



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**“Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг хулосасини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 29 мартдаги 169-сон “Хулоса бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

Тошкент ш.  
2024 йил 3 май,  
1-сон



**Toshboyev S. D.**

Ўзбекистон Республикаси  
Дин ишлари бўйича қўмитасининг  
2024 йил 3 майдаги 1-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

**РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 26 сентябрдаги 1-сон “Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг хулосасини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 3071, 2018 йил 27 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.09.2018 й., 10/18/3071/1970-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 25 майдаги 3-сон “Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 3071-1, 2020 йил 22 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.06.2020 й., 10/20/3071-1/0789-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 29 октябрдаги 3-сон “Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 3071-2, 2021 йил 30 октябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.10.2021 й., 10/21/3071-2/1003-сон).